

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВЛЕТОВ ЖАМШИД БЕКМАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА «ХАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» КОНЦЕПЦИЯСИ
ВА УНИНГ ИННОВАЦИОН МОҲИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on philosophical sciences**

Давлетов Жамшид Бекматович

Ўзбекистонда «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепцияси ва унинг
инновацион моҳияти 3

Давлетов Жамшид Бекматович

Концепция «Каждая семья - предприниматель» в Узбекистане и ее
инновационная сущность 25

Davletov Jamshid Bekmatovich

The conception of «Every family is an entrepreneur»
in Uzbekistan and its innovative essence 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВЛЕТОВ ЖАМШИД БЕКМАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА «ХАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» КОНЦЕПЦИЯСИ
ВА УНИНГ ИННОВАЦИОН МОҲИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fal267 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хажиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Негматова Шахзода Шухратовна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор

Норқулов Дўстмурат Тошпўлатович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (8366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош бино, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (8366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўп жиҳатдан эркин меҳнатга, иқтисодий демократия ва кишилар ҳуқуқ ва эркинликларининг ифодаси бўлган тадбиркорлик фаолияти, ишбилармонлиги ҳамда инновацион изланишларига боғлиқдир. Либерал ғоялар тарғиб этган эркин меҳнат, шахс ҳуқуқи ва ижтимоий-иқтисодий фаоллиги мамлакатни янги тараққиёт босқичига олиб чиқиб, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ижтимоий-иқтисодий фаолият турига айлантирди ҳамда бу каби ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими динамикаси тадбиркорликнинг алоҳида тури сифатида оилавий тадбиркорликни шаклланишига сабаб бўлмоқда. Зеро, оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ жиҳатлари соҳа тараққиётини белгиловчи муҳим омилларидан саналиб, ушбу фаолият турини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш объектив зарурият бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда глобализация жараёнининг тобора ривожланиши ва унинг оқибатида янги иқтисодий марказларнинг вужудга келиши, ҳар бир давлатда маҳаллий тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантиришга қаратилган тизими тажрибасини доимий равишда такомиллаштириб бориш масалаларини тадқиқ қилишга оид назарий-фундаментал, амалий-методологик асосларини ривожлантиришни талаб қилади. Бинобарин, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб, кишиларни иш билан банд этиш, уларни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар субъектларига айлантириш, аҳолини фаровон ва бахтиёр яшашини таъминлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир оилада тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш борасида турли концепциялар, ғоялар ишлаб чиқиш, илмий синовлар ўтказиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини реал воқеликка айлантириш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда бугунги кунда ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини кескин кучайтиришга, уларнинг мутаносиб иқтисодий ривожланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Айтиш лозимки, мамлакатимизда барқарор иқтисодиёт қурмоқчи бўлсак, дунёдаги ривожланган мамлакатлар каби бой ва фаровон яшамоқчи бўлсак, чала-чулпа, юзаки эмас, балки қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтишимиз шарт ва бу жараёнда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини, хусусий мулк дахлсизлигини янада кенгроқ таъминлаш – олдимизда турган муҳим вазифадир»¹. Бу вазифаларни амалга оширишда энг аввало, оилавий тадбиркорликни илмий-назарий жиҳатдан тизимли ўрганиш, уни ўзига хос хусусиятларини, имманент белгиларини аниқлаш ҳамда ушбу

¹ Мирзиёев Ш.М. Няяти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Т.3. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019. – 71 б.

соҳани ривожлантириш билан боғлиқ фундаментал тадқиқотлар олиб бориш заруриятини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 17 январдаги «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон, 2019 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5718-сон, 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон фармонлари, 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3777-сон, 2020 йил 20 майдаги «Ҳар бир оила тадбиркор» дастурини молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4720-сон қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ЎРҚ-327-сон қонуни, шунингдек, мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик, бизнес, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими хусусиятлари юзасидан хориж олимларидан А.Смит¹, А.Хайек, А.Шмоллер, Д.Габсон, Ж.Милль, М.Вебер, П.Кругман, Р.Кантильон, Т.Веблен, Э.Дюркгеймлар самарали тадқиқотларни амалга оширганлар. Замонавий бизнес, унинг инновация, модернизация, бозор иқтисодиёти ва иқтисодий демократия билан боғлиқ айрим масалалари А.Клайер, В.Алаен, Д.Еллерман, Д.Звердлинг, Ж.Траут, К.Кристенсен, К.Равитт², Л.Беккер, Л.Гонзалес, Р.Ф.Друкер³, Р.Даль, Р.Дахл, Ф.Котлер ва К.Л.Келлер⁴, Ф.Лехманн томонидан тадқиқ қилинган. Уларнинг тадқиқотларида Европа ва АҚШда тадбиркорлик фаолияти эркин меҳнат тури, бозор иқтисодиёти, меҳнат тақсимоти ва дифференциациясининг маҳсули, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг кўриниши сифатида қаралади. Тадбиркорлик эркин меҳнат тури сифатида XVII–XVIII асрларда шаклланган либерализм билан боғлиқлиги қайд этилади. Мазкур

¹ Смит А. О природе и причине народного богатства. – Москва: Экономикс, 2004. – С. 148. // Классики экономической мысли.

² Ravitt K. Key characteristics of the large innovating firm. – Brit.J. of Management. 1992. V2. N1. P. 41-50.

³ Drucker P.F. Entrepreneurship and innovation. – NY: Harper a Row, 1985. P. 277.

⁴ Котлер Ф., Келлер К.Л. Маркетинг менеджмент. Экспресс-курс, 3-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – С. 495.

изланишларда чиқарилган илмий, назарий-фалсафий хулосалар бизнинг тадқиқотимиз учун илмий-методологик аҳамиятга эга.

XX асрнинг охирига келиб МДХ худудидаги республикаларда бозор иқтисодиётига ўтиш, хусусий мулк, тадбиркорлик, маркетинг, менежмент, бизнес масалаларига бўлган қизиқиш кескин ошгани кузатилади. Бу борада В.Савченко, Е.Кирова, И.Макарова, Н.Бердяев¹, Н.Аристер, П.Ратанин, С.Смирнов, Т.Заславская, Ю.Сахарновларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин. Бу тадқиқотларда тадбиркорлик ва бизнеснинг ижтимоий-фалсафий, иқтисодий ва социологик моҳияти очиб берилган. Уларда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўзига хос жиҳатлари, миллий тараққиёт моделлари билан узвий боғлиқлиги, ўтиш даврининг зиддиятлари масалалари тадқиқ этилган. Бу борада ўтиш даври иқтисодиётига оид фикр ва қарашлар биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда тадбиркорлик ва бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини А.Ваҳабов, А.Гафуров, А.Раззақов, Д.Суюнов, Ё.Абдуллаев, И.Очиллов, М.Абдурахманова, М.Шарифхўжаев, М.Салямова, Н.Тўхлиев, О.Намозов, Р.Убайдуллаева, С.Гулямов, Ф.Отахонов², Х.Хўжакулов, Ш.Юлдашев, Ю.Додабоев, Ҳ.Абулқосимов, ижтимоий-фалсафий жиҳатларини Б.Валиев, Б.Талапов, М.Холматова, Н.Аннаева, С.Норқулов, С.Сафаева, У.Утанова, Ф.Мусаев³, Х.Шайхова, ҳуқуқий масалаларини А.Саидов, Б.Ибратов, И.Жуманазаров, К.Синдаров, О.Оқюлов, Р.Рўзиев ва М.Чориев, Э.Ходжаев⁴, Ш.Рўзиназаров, Ҳ.Раҳмонқуловлар ўрганган. Уларнинг илмий изланишлари муаммонинг долзарблигини, моҳияти ва аҳамиятини тўғри англашга ёрдам беради.

Юқоридаги тадқиқотларда оилавий тадбиркорлик илмий муаммо сифатида қўйилмайди ва унинг назарий-концептуал, фалсафий жиҳатларига алоҳида диққат қаратилмайди. Айнан ушбу ҳолат мавзумизнинг илмий нуқтаи назардан долзарблигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Урганч давлат университетини 2017-2030 йилларда ривожлантириш дастури”нинг 2.4 бандига асосан ва Урганч давлат университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ “Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепциясининг илмий-фалсафий ва назарий-ғоявий асосларини, инновацион ривожланиш билан боғлиқ муаммоларини тадқиқ этиш ва илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишаб чиқишдан иборат.

¹ Бердяев Н.А. Философия свободы. Смысл творчества. – Москва: Правда, 1990. – С. 364.

² Отахонов Ф. ва б. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асослари. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 68 б.

³ Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 8 б.

⁴ Рўзиев Р., Чориев М., Ходжаев Э. Тадбиркорлик фаолиятида мулк ва уни тасарруф этишнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Наврўз, 2014. – 144 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадбиркорлик, бизнес, эркин меҳнат ва эркин бозор феноменларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнини очиб бериш;

оилавий тадбиркорликнинг функционал хусусиятлари ва креатив белгиларини тадқиқ қилиш;

оилавий тадбиркорликнинг миллий-маънавий ва ахлоқий хусусиятларини очиб бериш;

оилавий тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришда маҳаллий ва марказий давлат органлари ўзаро муносабатларини таҳлил қилиш;

«Ҳар бир оила – тадбиркор» концепциясининг ижтимоий-фалсафий асосларини ёритиш орқали оилавий тадбиркорликнинг генезиси, эволюцияси ва истиқболларини кўрсатиш;

тадбиркорлик фаолиятининг инновацион ривожланиш ва оилавий муносабатларни мустаҳкамлашига доир конструктив таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепциясининг илмий, назарий-фалсафий жиҳатларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, тарихийлик ва мантикийлик, индукция ва дедукция, функционал ва ретроспектив таҳлил, объективлик, социодинамик ўзгаришларни кузатиш, контент-анализ, кузатув, сўровнома (анкета) каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик, бизнес феноменларининг эркин меҳнат, эркин бозорни вужудга келтирувчи аттрактор (*жалб қилувчи*) сабаблари ва унинг динамиклик, тузилмавийлик, «сабаб-оқибат» каби ривожланиш хусусиятлари фалсафанинг умумийлик ва хусусийлик категорияси воситасида асосланган;

оилавий тадбиркорлик ривожланишининг тенденцион характерга эга бўлган билим олишга интилиш, янгиликка ўчлик, иждоқорлик, ишбилармонлик, шахсий ташаббус, масъулият, таваккал қилиб даромад топиш каби креатив белгилари мантикий алоқадорликда аниқланган;

республика ҳудудларида тадбиркорлик тафаккурининг шаклланиши ва ривожланишининг синергетик даражаларини миллий менталитетга ва этностереотиплар (*муайян миллатга хос бўлган қарашлар*)га мутаносиб равишда ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари социометрик кузатиш натижасида очиб берилган;

Ўзбекистонда «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепцияси ва унинг инновацион моҳиятини янада такомиллаштиришда миллий брендлар, инновацион изланишлар ва илмий-техник кашфиётлар бирламчи омил эканлиги ижтимоий фаолликнинг когнитив тамойили воситасида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инновацион ривожланишни таъминлашда тадбиркорликнинг янгиликка, илмий-техник ишланмаларга, креатив изланишларга ўчлиги омилидан фойдаланишнинг илмий ва амалий аҳамиятга эга механизмлари яратилган;

оилавий тадбиркорлик амалий жараён сифатида турли субъектлар ва объектларни координация қилиш, уйғунлаштириш, бир мақсадга йўналтиришни тақозо этиши борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ишнинг илмий натижаларидан давлат органлари ва тегишли фуқаролик ташкилотларининг соҳага оид дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

оилавий тадбиркорликнинг оила институти асосларини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни иш билан банд этиш, ёшларда меҳнатсеварлик, тежамлилик, ишбилармонлик фазилатларини шакллантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро илмий амалий анжуманларда қилинган маърузалар, бу маърузаларнинг илмий тўпламларда чоп этилгани, тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК белгилаб берган журналларда эълон қилинган мақолалар, илмий-амалий эксперимент натижалари бўйича илмий анжуман ва давра суҳбатларида берилган ахборотлар, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги тўғрисида тегишли ташкилотлардан олинган далолатномаларда аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, назарий хулосалари ва методологик тавсияларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида оилавий тадбиркорлик шаклларида фойдаланишга доир илмий концепцияларни, таълимотларни яратишга назарий-методологик асос бўлиш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, Ўзбекистонда «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепцияси ва унинг инновацион моҳиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув-методик қўлланмалар, илмий-амалий ишланмалар, шунингдек уни амалга оширишнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепциясининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрнини такомиллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида:

тадбиркорлик, бизнес феноменларининг эркин меҳнат, эркин бозорни вужудга келтирувчи аттрактор (*жалб қилувчи*) сабаблари ва унинг динамиклик, тузилмавийлик, «сабаб-оқибат» каби ривожланиш хусусиятларига оид илмий-назарий ғоялари, методологик таклиф ва тавсияларидан «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 ноябрдаги 89-03-4633-сон маълумотномаси). Бу

эса, дарслик мазмунини такомиллаштиришга, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар моҳиятини ҳамда тадбиркорлар мурожатлари бўйича халқ қабулхоналари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга, ёшларнинг илмий-техник тафаккури, креатив фаоллиги ва дунёқарашининг шаклланишига инновацион таъсирига доир амалий таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан ёшлар орасида ахборот коммуникация технологиялари бўйича кўникмаларни ривожлантиришга оид – «Digital Generation» (*рақамли авлод*) лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 25 сентябрдаги 04-13/4394-сон маълумотномаси). Бу эса, ўз навбатида мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий фаоллигини ва ёшларнинг иқтисодий-инновацион саводхонлигини оширишга, уларнинг тадбиркорликка иштиёқини уйғотишга ҳамда тадбиркорликнинг муайян тури билан шуғулланишга, бу орқали мамлакатимиз равнақига хисса қўшадиган ёшлар бўлиб камол топишига хизмат қилган;

республика худудларида ишбилармонлик, тадбиркорлик тафаккурини шаклланиши ва ривожланишининг синергетик даражалари баҳоланган, уни миллий менталитетга мутаносиб равишда ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари асослаб берилганлигига доир таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририятининг «Бедорлик», «Муқаддас кўрғон» эшиттиришларининг 2019 йил март-июнь ойларида эфирга узатилган сонларининг дастур сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 8 октябрдаги O‘z/R-1-172-сон маълумотномаси). Натижада, оила институти субъектларида ва жамият аъзоларида тадбиркорликка қизиқиш уйғотишнинг замонавий усулларини яратишга хизмат қилган;

миллий брендларни инновацион изланишлар, илмий-техник кашфиётлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш ҳамда мулкдорлар оилавий тадбиркорликнинг юксалтириш воситаси эканлиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асослаб берилганлигига оид илмий-амалий тавсияларидан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг 2019 йил 25 сентябрдаги пленумининг 3-сонли қарори асосида тасдиқланган «Амалий ҳаракатлар дастури»нинг сценарийсини тузишда ва ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг 2019 йил 14 октябрдаги 01-1/1/381-сон маълумотномаси). Бу партия фаолиятининг самарадорлигини оширишга ва амалий ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда тарғиб қилиш услубларини янада яхшилашга, жамият аъзоларида тадбиркорликка қизиқиш уйғотишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (5 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч параграфдан иборат уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация бажарилаётган муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Тадбиркорлик ва унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни**» деб номланади. Ушбу бобда тадбиркорликнинг генезиси, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ этилади. Тадбиркорлик – эркин меҳнат, кишининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларининг ифодасидир. Либерал ғояларнинг вужудга келиши ва кенг ёйилиши ана шу ҳуқуқ ва эркинликлар билан боғлиқ.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда (янги таҳрир) (2012 йил 7 май) хусусий мулкдан фойдаланиб ижтимоий-иқтисодий муносабатларда қатнашмоқчи бўлганларнинг ҳуқуқлари белгилаб берилди. Улар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

иккинчидан, мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (*ишлари, хизматларининг*) истеъмолчиларини танлаш;

учинчидан, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (*фойда*) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш, товарлар (*ишлар, хизматлар*) бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;

тўртинчидан, ўз маҳсулотини (*ишлари, хизматларини*), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда

белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш;

бешинчидан, бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкларни олиш ёки уларни ижарага олиш;

олтинчидан, белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.¹

Мазкур тартиблар оилавий тадбиркорликка ҳам тааллуқли бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларда бошқа тадбиркорлик субъектлари билан бир қаторда тенг ҳуқуқли қатнашишини кафолатлайди. Шу билан бирга, ўтган ўн йилликларда тадбиркорлар дуч келган тўсиқлар кўпайиб кетгани боис қатор муаммолар юзага келди. Масалан, авваллари тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган кўчмас мулк объекти ўз ишини бажараётган бўлса ҳам, маълум бир шахсларнинг манфаатларига тўқнаш келса, унинг ҳудуди давлат ва жамият эҳтиёжлари учун, деб тортиб олинган, объект эса бузиб ташланган. Бундан ташқари, кичик корхона тузиш учун тадбиркорлар 170 дан зиёд турли туман рухсатномалар, имзолар ва фаолиятга баъзан тааллуқли бўлмаган қоғозлар тўплаган. Ш.М.Мирзиёев ушбу қоғозбозликка барҳам бериш, тадбиркорлар амалий фаолиятини ижтимоий-иқтисодий юксалишининг гарови, деб эълон қилди ва уларнинг қонуний ҳуқуқларини ўз ҳимоясига олди. 2017-2018 йиллар ичида бу борада 8 та қонун, 30 дан зиёд Президент Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди. Улар ичида давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3777-сонли Қарори мавзумиз учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Қарорда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдамлар кўрсатиш асосий вазифалардан бири экани таъкидланади. Бу ўринда давлат идораларининг фаолияти тадбиркорларни назорат қилишга эмас, балки уларга амалий ёрдамлар кўрсатиш экани аён бўлади. Оилавий тадбиркорлар фаолиятининг дастлабки уч йилида текширишлардан озод қилинади. Агар улар фаолияти криминал, қонун талабларини бузиш, ён-атрофга, аҳоли саломатлигига зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаса, ижтимоий-иқтисодий фаолиятини бемалол давом эттириши мумкин. Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашдаги сиёсати банк-молия хизматида яққол намоён бўлади. Масалан, «Микрокредитбанк» Сурхондарё вилояти филиали 2018 йилда тадбиркорларга 9,6 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратган. Унинг 1 миллиард 699,1 миллион сўми чорвачилик, 414 миллион сўми паррандачилик, 138,6 миллион сўми қуёнчиликни ривожлантириш, 3 миллиард 166,7 миллион сўми иссиқхоналар, 490,6 миллион сўми тикувчиликни ташкил этиш, 2 миллиард 38 миллион сўми турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, 804 миллион

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» // Халқ сўзи. 2012, 8 май.

сўми хизматлар кўрсатиш соҳаси ва 869,6 миллион сўми тадбиркорликнинг бошқа турлари учун ажратилди. Натижада 350 нафарга яқин кишиларнинг бандлиги таъминланди, кўплаб оилаларга кут-барака, файз кирди.¹

Диссертант фикрича, Тадбиркорлик моҳиятан меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартиради, кишини ўз маблағи ва мол-мулки ҳисобига таваккал қилиб ишлашга ўргатади. Сарфланган 1 сўм тадбиркорга камида 2 сўм бўлиб қайтиши лозим, агар у шундай фойда кўрмаса ёки шундай даромад топишни режалаштирмаса, таваккал қилмайди. Таваккал таваккал учун эмас, фойда кўриш учун, буни ишбилармон яхши билади.² Демак, тадбиркорнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаоллиги тагида фойда кўриш, даромад топиш ётади. Аслида фойда, даромад топишни назарда тутмайдиган ижтимоий-иқтисодий фаолият тури учрамайди. Бозор иқтисодиёти меҳнатнинг муносиб тақдирланишини тақазо этади, хайрия, хашар – бир маротабалик ёрдам, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар изчил, ҳар кун, кенг миқёсда, интенсив давом этиладиган жараёнлардир. Оилавий тадбиркорлик ушбу жараёнларга ранг-баранглик, таваккалчилик, инновацияга мойиллик олиб киради, шу тариқа у ижтимоий-иқтисодий муносабатларга шахсий манфаат, хусусий мулк, инновацион ташаббусни тадбиқ этади.

Диссертацияда мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий адабиётлардаги ёндашувлар, таърифлардан келиб чиққан ҳолда оилавий тадбиркорликнинг функционал хусусиятлари ва креатив белгиларини қуйидагича классификация қилишимиз мумкин:

- биринчидан*, билим олишга интилиш;
- иккинчидан*, янгиликка, айниқса илмий-техник ва технологик янгиликка ўчлик;
- учинчидан*, меҳнат ва унинг натижаси, сифати учун шахсий масъуллик;
- тўртинчидан*, шахсий ташаббус ва хусусий мулк, даромад билан иштирок этиш;
- бешинчидан*, таваккал қилиб даромад (*фойда*) топиш;
- олтинчидан*, оила аъзоларини, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш, бирлаштириш ва бошқариш;
- еттинчидан*, аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари устуворлиги асосида фаолият юритиш, хизмат турларини уюштириш;
- саккизинчидан*, аҳолини иш билан таъминлашда иштирок этиш ва бу борада молия-банк тизими хизматларидан фойдаланиш;
- тўққизинчидан*, худуддаги ижтимоий-маданий инфраструктурани шакллантиришда қатнашиш.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, мазкур функционал хусусиятлар ва креатив белгилар оилавий тадбиркорликнинг ички, имманент белгилари (*масалан, эр-хотин муносабатлари, бизнесни ким бошқариш масаласи, мулкий муносабатлар*)ни инкор қилмайди. Ҳуқуқий-мулкий муносабатлар

¹ «Ҳар бир оила – тадбиркор, ҳар бир оила - бахтиёр» // Халқ сўзи. 2018, 25 декабрь.

² Қаранг: Чжен В.А. Законодательные основы рынка. Т.3. – Ташкент: ИПК Шарқ, 1996. – С. 190.

ҳар қандай шароитда ҳам оилавий тадбиркорликда сақланиб қолади, бизнес ва гендер масаласи бугун ўта долзарблашиб қолган. Шундай экан юқоридаги классификацияни яна давом эттириш мумкин. Аммо, бизнинг фикримизча, муаммони ўрганиш, ечиб бериш ва зарур илмий хулосалар чиқариш учун тақлиф этаётган классификациямиз етарлидир.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Ўзбекистонда «ҳар бир оила – тадбиркор» концепцияси ва унинг ижтимоий-миллий жиҳатлари» деб номланади. Ушбу бобда, «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепциясининг ижтимоий-миллий хусусиятлари, унда кун тартибига қўйилган ижтимоий-ташкилий ва ҳуқуқий-норматив масалалар, демократик тараққиётнинг янги босқичидаги вазифалар ҳамда тадбиркорликка оид кундалик муаммолар тадқиқ этилади. Умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига эга концепциялар стратегик хусусиятларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Юқоридаги концепция оила институти учун стратегик хусусиятга, яъни оиланинг биринчи навбатда иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, аёлларни иш билан банд этиш, оилада аҳиллик муҳитини шакллантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка, ижтимоий-иқтисодий фаолиятга жалб қилиш вазифаларини бажариш мақсадига эга. Обьектив ва субъектив сабаблар туфайли оилавий муносабатларда учраётган низоларнинг, ажралишлар ва девиант хулқ-атворларнинг олдини олишда умумий мулк, оилавий тадбиркорлик ижобий рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан бобда оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-фалсафий ва амалий масалалари очиб берилади.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» деганда тадбиркорлик билан шуғулланиш имконига эга оилалар, тадбиркорлик субъектлари, ўз меҳнатидан фойда, маблағ олишни назарда тутган қариндошлик ришталари билан боғланган кишилар гуруҳи тушунилади. Мазкур гуруҳ ядросини оила, оила атрофига бирлашиб умумий фаолият олиб борувчи субъектлар ташкил этади. Кўпинча тадбиркорлик фаолиятининг бош субъектлари – эр-хотиндир. Бу субъектларнинг ташаббуси, маблағлари ҳисобига у ёки бу фаолият турини, хизмат кўрсатишни ташкил этиш имкони пайдо бўлади. Ўз маблағларини, мулкни тиккан субъектлар, табиий равишда улардан фойда, маблағ орттиришни режалаштиради. Хусусий мулкдан фойдаланиш ва тадбиркорлик фаолияти жараёнида ушбу хусусий мулкни кенгайтириш, ривожлантириш ҳар қандай тадбиркорликнинг асосини ташкил этади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, тадбиркорлик қўйидаги тамойилларга таянади:

биринчидан, бозор талабига кўра мустақил иқтисодий фаолият олиб бориш;

иккинчидан, фойда олишдан иборат мақсадга эга бўлиш;

учинчидан, иқтисодий масъулият ва мажбуриятни ўз зиммасига олиб, таваккалига иш қила билиш;

тўртинчидан, янгиликка интилиш;

бешинчидан, белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиш;

олтинчидан, тадбиркорлик сирини сақлаш;

еттинчидан, ижтимоий масъулиятни ҳис этиш, яъни ўз жамоаси, халқи фаровонлигини таъминлашни ўз фаолиятининг асосий йўналиши деб билиш ва ҳ.к.¹ Агар ушбу тамойиллар ва талаблардан келиб чиқсак, оилавий тадбиркорлик – мустақил, ихтиёрий иқтисодий фаолият, фойда кўриш – мақсади, таваккал қилиш – иш юритиш усули, янгиликка, инновацияга интилиш хусусий мулкни ривожлантириш кафолатидир. Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиёти механизмлари оилавий тадбиркорликда тўла ишлайди, улар мустақил иқтисодий фаолиятга мақсадга йўналтирилганлик бахш этади, хусусий ва ижтимоий манфаатларни уйғунлаштиради.

Диссертацияда оилавий тадбиркорлар балиқчилик, паррандачилик, қуёнчилик, чорвачилик, касаначилик, хунармандчилик каби турли-туман фаолият турлари билан шуғулланишлари ҳақида ҳам фикр юритилади. Масалан, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ Хоразм вилоятида 22-25 минг тонна балиқ етиштирилиши лозим. Бироқ 2017 йили бу талаб-эҳтиёжларнинг 40-42 % гина қондирилган холос. Ҳатто вилоят балиқ маҳсулотларини экспорт қилиши мумкин. Бугун Хоразмда 568 та балиқчилик хўжалиги мавжуд, уларнинг 75 % ни оилавий тадбиркорлар ташкил этган ва бошқаради. Уларга 7757 гектар табиий ва 3225 гектар сунъий ҳавзалар бириктирилган. 2018 йилда вилоятда 80 та лойиҳа амалга оширилди, уларга 31 миллиард 126 миллион сўм йўналтирилди. Шундан 24 миллиард 526 миллион сўмдан ортиғи банк кредиторларидир.² Қолган маблағларни тадбиркорларнинг ўзлари тўлаганлар.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2017 йилнинг январь ойида Хоразм вилоятида бўлганида Хива туманидаги «Болтабой оқсоқол» оилавий балиқчилик хўжалиги комплекси билан танишган. У, балиқчилик сердаромад соҳа ва инсон соғ-саломатлигига хизмат қилади, деб таъкидлаган эди. Шундан кейин Хива туман Чинобод қишлоғида ихтисослаштирилган замонавий мажмуа, комплекс ва «Хоразм балиқ саноат агро» масъулияти чекланган жамият ташкил этилди.

Хитойдан, – дейди комплекс раҳбари Ҳикмат Оллоберганов, – умумий қиймати 1 миллион 461 минг АҚШ доллариға тенг бўлган консерва ва сосиска тайёрлаш ҳамда қадоқлаш линиялари, музлатгич, сувда кислородни бойитиш, омихта ем ишлаб чиқариш ускуналарини кенгайттирдик. Энди цехларимиз йилига 500 тонна балиқни қайта ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирги кунда 4 турдаги балиқ консерваси ва сосискасини тайёрлашни йўлга қўйганмиз. Шуларнинг ҳисобига жорий 2018 йилнинг ўзида 4,2 миллиард сўм соф фойда олганмиз.³

¹ Синдаров К., Жуманазаров И. Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг ҳуқуқий асослари. – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2006. – 12 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқи. «Иқтисодни инновацияларни кенг жалб этган ҳолда ҳар томонлама ривожлантириш – халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили» // Халқ сўзи, 2018, 30 ноябрь.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқи. «Иқтисодни инновацияларни кенг жалб этган ҳолда ҳар томонлама ривожлантириш – халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили» // Халқ сўзи, 2018, 30 ноябрь.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, бундан 20-30 йил илгари Хоразмда балиқ консерваси чиқаришни хусусий тадбиркорлар амалга оширишини тасаввур қилиш қийин эди, бундай инновацион ишларга оилавий бизнес субъектлари фаол киришишган. Аввал бошда бир гектар ҳавзадан 15-20 центнер балиқ олинган, бугун бу кўрсаткич 150-200 центнергача етган. Мутахассислар фикрича инсон соғ-саломат ўсиши учун йилига камида 12 килограмм, ҳар ойда 1 килограмм балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши зарур. Бизда бу кўрсаткичга етиш учун балиқ ва балиқ маҳсулотлари етиштиришни икки баробардан зиёдрок ошириш керак. Мана, оилавий тадбиркорлик қандай ижтимоий зарур, миллат саломатлигини таъминлашга қандай ҳисса қўшади.

Тадқиқотчи тадбиркорликнинг ижтимоий-ташкилий шакллари куйидаги туркумларга бўлиб кўрсатади: 1) хусусий тадбиркорлик; 2) ўртоқлик, коммандит, тўла ва чала ширкатлар; 3) кичик корхоналар; 4) ҳиссадорлик жамияти; 5) фирмалар ва корпорациялар; 6) холдинг компанияси; 7) офшор компанияси; 8) шўъба корхоналар, шаҳобчалар; 9) хорижий корхоналар ёки қўшма корхоналар киради. Мазкур ижтимоий-ташкилий шаклларга, бизнинг фикримизча, оилавий корхона ҳам киради. Тадбиркорлик ва бизнес шахсининг кимлигини, у қандай ижтимоий, ички маънавий фазилатларга, билим ва дунёқарашларга эга эканини кўрсатувчи ҳодисадир. Чет эллик олимлар Ж.С.Милль, О.Конт, А.Маршалл, Г.Менкью, Ж.П.Бэтбэз, Й.Шумпетерларнинг фикрича, тадбиркорлик шахсга эркинлик, ўз эҳтиёжларини қондириш, фаровон яшаш имконини беради.¹ Демак, тадбиркорлик шунчаки иқтисодий феномен эмас, у сиёсий-ҳуқуқий, маданий ва руҳий-маънавий аҳамиятга ҳам эгадир. Шахс тадбиркорликни ижтимоий зарур фаолият эканини англаган заҳоти ўз меҳнатига, кўрсатадиган хизматига масъуллигини ҳис этади. Энг муҳими шундаки, унинг ижтимоий фаолияти жамиятдаги иқтисодий муносабатларга, кишиларнинг, истеъмолчиларнинг давлатнинг иқтисодий сиёсатига муносабатлари шаклланишини идрок этади. Ўз пайтида Нобель мукофоти лауреати, таниқли жамиятшунос Ф.А.Хайек «эрк билан жамият фаровонлиги бир-бирига зид воқеликлар эмас, балки улар бир-бирини тақозо этади»², деб ёзган эди.

Демак, тадбиркорнинг эрки «ўзи ўзи учун» эмас, балки жамият, унинг фаровонлиги учундир. Бу ўринда тадбиркор эрки билан жамият талаби ўртасидаги зиддият биринчисининг мавқеини ва эркини маҳв этишга, синдиришга олиб келмайдими? Ахир жамият талаби моҳиятан шахс эркидан кенг, у ҳар қандай индивидуал эркини ўзига бўйсундиришга қодир, деган ҳақли савол уйғонади. Бу саволга жавобни, бизнинг фикримизча, этномаданий ва этнопсихологик омиллардан излаш мумкин. Оилавий тадбиркорлик ташкилий нуқтаи назардан, барча ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидек, мураккаб воқелик, у амалий жараён, иш сифатида турли

¹ Қаранг: Милль Дж.С. Основы политической экономии. Т. 1. – Москва: Прогресс, 1980; Шумпетер Й. Теория экономического развития. – Москва: Прогресс, 1982.

² Қаранг: Хайек Ф.А. Общество свободных. – London: Overseas Publications Interchange Ltd, 1990. – С. 103.

субъектлар ва объектларни координация қилиш, уйғунлаштириш, бир мақсадга йўналтиришни тақозо этади. Жамиятимиз, кишиларимиз одатланган аддиктив хулқ-атвор, ташаббуснинг етарли эмаслиги, боқибегамлик каби индиферентизм ҳали кўп вақтгача олға силжишимизга халақит бериши мумкин. Миллий тараққиётнинг янги босқичи дадил изланишларга ундаётган бўлса-да, оилавий тадбиркорликда жиддий ўзгаришлар аста-секин содир бўлади, шекилли. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури ижроси бўйича 2019 йил 3 майда ўтказган видеоселекторда «дастур ижроси жойларда мутлақо қониқарсиз ташкил этилгани учун» мутасаддиларни, ходимларни огоҳлантирди¹.

Буни респондентларимизнинг «Оилавий бизнесни маҳаллий ҳокимият кўллаб-қувватлашига ишонасизми?» деган саволга жавоблари ҳам тасдиқлайди. Уларнинг 76% саволга «Йўқ», 18% – «Унча эмас», 5% – «Ҳа» деб жавоб берган. Бир фоизга яқин респондент жавоб бермаган. Бундай муносабатларни яна келтириш мумкин. Демак, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, барча соҳалардаги ислоҳотлар каби, ички зиддиятлар билан кечмоқда. Бу табиий ҳол, бугун онгдаги консерватизм ҳали ўз таъсирини сақлаб қолаётгани билан инноваторларни янада ишонч билан олға силжишга ундайди.

Диссертациянинг учинчи боби, «**Оилавий тадбиркорлик ва унинг инновацион ривожланишга таъсирини ошириш масалалари**» деб номланади. Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг объектив зарурият сифатида кўйилиши, унинг долзарб масалага айланган ижтимоий омиллар очиб берилади. Инновация демократик тараққиётимизнинг объектив талаби сифатида, мамлакатимизни тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқишни назарда тутди. Инновация шунчаки янгилик олиб кириш эмас, у ижтимоий соҳани туб ўзгартиришга етакловчи илмий, техник, ижтимоий, иқтисодий, тиббий, маърифий янгиликдир. Яратиш, ижод қилиш, янгилаш унинг функцияларидир. Бобда инновация ана шу нуқтаи назардан талқин этилади, бу ёндашув уни тадбиркор функциясига яқинлаштиради. Натижада инновация ва тадбиркорлик бир-бирига мойил, бир-бирини тақозо этувчи косубстанционал воқеликлар сифатида қаралади.

Бобда оилада кечадиган жараёнлар аввало ёшларнинг маънавий-ахлоқий шаклланишига таъсир этади. Ўзбек халқ мақолида айтилганидек «*Қуш уясида кўргангани қилади*». Шундай экан, оилавий тадбиркорлик негизидаги ушбу тарбиявий-руҳий, психологик омилни унутиш мумкин эмас.

Тадбиркорлик қатор маънавий-ахлоқий таъсир жиҳатларига эга. Улар ХХ ёки ХХІ асрнинг кашфиётлари эмас. Қадимдан халқимиз савдо-сотикни, меҳнат қилиб пок ва ҳалол яшашни, бировнинг ҳақиға, молиға хиёнат қилмай яхши ният, яхши сўз ва яхши амал билан турмуш қуришни роҳат ва фароғат манбаи, узоқ умр кўриш, яхши ном қолдириш шарти деб билган. Халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий тафаккури тарихини махсус тадқиқ

¹ Қаранг: «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури ижроси танқидий таҳлил қилинди // Халқ сўзи, 2019, 3 май.

этган тарих фанлари доктори, профессор А.Раззақов ёзади: «Яхши одамнинг фаолияти яхши гоё, сўз ва ишлар билан боғланган бўлиши керак. Моддий бойликларни кўпайтириш эса, ёруғ дунёдаги яхши ишларнинг асосийси ҳисобланади. Шу сабабли «Авесто» матнларида натурал хўжалик, яъни ўз аъзолари эҳтиёжи учунгина маҳсулот ишлаб чиқарадиган хўжалик фаолияти кенг тарғиб этилиши ва амалий маслаҳатлар берилиши тасодиф эмас»¹.

«Авесто»да, жумладан, ўз ҳаёти давомида гўзаллик ва яхшилик, нур ва қувонч йўлида хизмат қилган одам ҳақгўй, пок ва адолатли бўлиб, меҳмонларни беғараз, очиққўнғиллик билан кутиб олади. Ўз ёрини севгани, ерни, молларни парвариш қилгани, одамларнинг молу мулкига кўз олайтирмагани, табиатни авайлаб-асраб, ундан завқ олгани учун унинг жони ҳам битмас-туганмас роҳат ва фароғатга бурканади, деб ёзилади»². Энг муҳими шундаки, асарда меҳнат қилиб кун кўриш, ерни, атрофни, сувни эъзозлаш, чорвани кўпайтириш, ёшларга эзгу амалларни ўргатишга оид гоёлар тараннум этилади.

Тадқиқотчи ўзбек халқ оғзаки ижодидаги бозор иқтисодиётига (*конвертация, маркетинг, мониторинг, физиократизм, классик таълимот, неоклассик иқтисодиёт*) оид кўплаб мисолларни таҳлил қилган. «Пулни пул топар, йўлни йўл», «Савдо – соқол сийпалагунча», «Тома тома кўл бўлур», «Оз бўлса, эплаб кўр, кўп бўлса, сеплаб кўр», «Тежоғли иш бежоғли», «Бекор ўтиргандан бекор ишла», «Хунар – хунардан унар», «Отанг бозор, онанг бозор», «Бор товоғим, кел товоғим», «Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди», «Мулла – муллашир, пулига ярашир», «Пул бўлса, чангалда шўрва» каби мақол ва маталлар ёшларни меҳнатга, тежамли яшашга, вақтни, умрни ва топган даромадни, пулни авайлаб сарфлашга ўргатган.

Кейинги йилларда аёл ва эркакнинг бизнес, тадбиркорликдаги ўрни, гендер нотенгликнинг ижтимоий, маданий ва оилавий ҳаётга таъсири, аёл-лидер масалалари кенг тадқиқ этилмоқда. Ғарб олимлари Ж.Ландау, С.Марлоу, Т.Меламед, Ж.Маршаллу, Т.Штайнс, Т.Митчелл, Б.Бонт илмий изланишларида гендер нотенгликнинг этносоциал ва этномаданий омиллари, оиладаги микромуҳит, социодемографик ва акциологик таъсирларнинг ўрни масалалари ўрганилади. Аёл-лидернинг ижтимоий портретини яратишга бўлган интилиш³ Ўзбекистондаги тадбиркор аёллар масаласида янги йўналиш очиб беради.

Аёл ва эркак ўртасидаги психофизиологик фарқлар бизнесга, уларнинг тадбиркорлик фаолиятига, демак, оилавий ишбилармонликка таъсир этадими, деган савол тадқиқотчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотиб, турли ёндашувлар ва илмий концепцияларни келтириб чиқармоқда. Шу муносабат билан илмий адабиётларда, аёл ва эркак ўртасидаги бизнес-алоқалар, тадбиркорликдаги ҳамкорлик очиқ ёки ёпиқ тарздаги сегрегация ва

¹ Раззақов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. – Тошкент: О'zbekiston НМИУ. 2011. – 20 б.

² «Авесто» тарихий адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ. 2015. – 578 б.

³ Аннаева Н. Аёллар тадбиркорлигининг генезиси, назарияси ва амалиёти. Фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати – Самарқанд: «Университет», 2017.

